*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

• № 176 (20. 743) • 1990 йил 4 август, шанба • Баҳоси 3 тийин.

## *ДИҚҚАТ: ЯНГИЛИК*

### РАПСДАН МОЙ

**● Фарғона ёғ-мой комбинатида рапс уруғидан дастлабки беш юз тонна мой олинди. Бу корхона чигитни қайта ишлашга ихтисослаштирилган.**

Комбинат ва «Узпишчепром» бирлашмаси жамоалари бу ерда Россия далаларида қадимдан етиштириб келинаётган уруғдан мой олиш технологиясини қўллашга қарор қилдилар.

Ҳозиргача комбинатда совун, глицерин ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун озиқ-овқат тайёрлашга яроқли чигит мойидан фойдаланишарди. Шунинг учун уни рапс мойи билан алмаштириш ғояси вужудга келди. Рапс мойи эса пахта мойидан анча арзонроқдир.

Бу йилги қайта ишлаш мавсуми охиригача корхона икки минг тоннадан ортиқ рапс мойи ишлаб чиқаради.

### ХЎЖАЛИК УСУЛИ БИЛАН

**● Олтинкўл районидаги Калинин номли колхозда шу хўжалик қурувчилари қисқа муддатда хўжалик усули билан қурган болалар боғчаси дастлабки болаларни қабул қилиб олди.**

Болалар боғчасида 190 кичкинтой учун барча зарур шароит: ухлаш хоналари, ёзги айвонлар, ўйин ва спорт майдончалари бор. Бу хўжаликда қурилган олтинчи болалар боғчаси бўлиб, уларда ҳозир қишлоқ меҳнатчиларининг 800 дан ортиқ фарзанди тарбияланмоқда.

**(ЎзТАГ).**

# Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми тўғрисида

# АХБОРОТ

**1990 йил 3 август куни Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг II пленуми бўлди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов «КПСС XXVIII съездининг якунлари ва Ўзбекистон Компартияси фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисида» маъруза қилди.**

**Маъруза юзасидан музокараларда Андижон вилоят партия комитетининг биринчи котиби Қ. Ҳ. Холмирзаев, Навоий кон-металлургия комбинатининг слесари А. П. Харьянов, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти М. Салоҳиддинов, Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг директори В. Н. Сигедин, Ўзбекистон ССР халқ таълими министри Қ. Юсупов, Қарши район партия комитетининг биринчи котиби М. Гелдиева, Қорақалпоғистон вилоят партия комитетининг биринчи котиби С. Д. Ниетуллаев, Тошкент олий партия мактабининг ректори М. Искандаров, Мирзачўл районидаги Абай номли совхоз-техникум бригадири Р. Маматова, «Андижон» локомотив депосининг машинисти Ю. С. Емельянов ўртоқлар сўзга чиқдилар.**

**Муҳокама этилган масала юзасидан пленум тегишли қарор қабул қилди.**

**Пленум КПСС XXVIII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXII съездининг сиёсий йўл-йўриқларига амал қилиб, Ўзбекистон Компартиясининг «Сиёсий ва иқтисодий мустақиллик, маънавий янгиланиш, ижтимоий адолат ва Ўзбекистон аҳолисининг муносиб турмуш шароити учун» ҳаракат дастури лойиҳасини ишлаб чиқувчи ишчи комиссиясини тузди.**

**Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримовга комиссияга бошчилик қилиш вазифаси топширилди.**

**Пленум Ўзбекистон Компартиясининг мақоми лойиҳасини ишлаб чиқувчи комиссияни ҳам тузди ва мазкур комиссияга бошчилик қилиш Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи котиби А. С. Ефимовга топширилди.**

**Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ташкилий-партиявий иш ва кадрлар билан ишлаш, мафкуравий масалалар, ижтимоий-иқтисодий ва аграр сиёсат масалалари комиссияларининг таркиби тасдиқланди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ҳуқуқий масалалар комиссияси миллатлараро муносабатлар муаммолари ва ҳуқуқий масалалар комиссиясига айлантирилди. Комиссиянинг таркиби тасдиқланди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг яна иккита комиссиясини — ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ва ҳаракатлар билан ҳамжиҳатлик масалалари ҳамда ёшлар сиёсати масалалари комиссияларини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Комиссияларнинг таклиф этилган таркиби тасдиқланди. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ш. Р. Мирсаидов ва Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг биринчи котиби А. Н. Носиров ўртоқлар комиссияларнинг бошлиқлари этиб сайландилар.**

**Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленумида ташкилий масалалар ҳам кўриб чиқилди.**

**Пленум Тошкент вилоят партия комитетининг биринчи котиби ўртоқ С. М. Мамарасуловнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзоси ва Марказий Комитет аъзоси вазифаларидан, Самарқанд вилоят партия комитетининг биринчи котиби П. М. Абдураҳмонов, Сурхондарё вилоят партия комитетининг биринчи котиби Х. Э. Бердиев ва Бухоро вилоят партия комитетининг биринчи котиби Д. С. Ёдгоров ўртоқларнинг КПСС Уставининг 11-параграфига мувофиқ Марказий Комитет аъзолари вазифаларидан озод қилиш тўғрисидаги илтимосларини қондирди. Мазкур параграфга биноан партия аъзоси иккитадан ортиқ партия комитетига аъзо бўла олмайди. КПСС XXVIII съездида С. М. Мамарасулов, П. М. Абдураҳмонов, Х. Э. Бердиев, Д. С. Ёдгоров ўртоқлар КПСС Марказий Комитетининг аъзолари этиб сайландилар.**

**Пленумда «Шарқ Юлдузи» журналининг бош муҳаррири У. Ҳошимов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзоси этиб сайланди.**

**И. А. Каримов пленумда якунловчи нутқ сўзлади.**

**Пленум ишида КПСС Марказий Комитетининг масъул ходимлари Г. Т. Сташкевич ва Е. А. Новожилов иштирок этдилар.**

**Шу билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг II пленуми ўз ишини тамомлади.**

# КПСС XXVIII СЪЕЗДИНИНГ ЯКУНЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ТЎҒРИСИДА

## *КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССР Президенти И. А. КАРИМОВ маърузаси*

Ўртоқлар!

Пленумимиз олдида катта ва масъулиятли вазифа турибди. Компартиядан делегатлар билан биргаликда биз бугун КПСС XXVIII съезди ишига якун ясашимиз, унинг натижаларини пухта ўйлаб кўришимиз лозим. Энг муҳими — ана шунга амал қилиб, Компартия, унинг барча ташкилотлари ва комитетлари фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаб олишимиз, қабул қилинган қарорларни аниқ-равшан, амалий ишларга айлантиришга оид вазифаларни муҳокама қилишимиз керак.

Партия съездга мамлакат учун қийин даврда тайёргарлик кўрди. Съезд ғоят мураккаб ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий вазиятда ўтди. Ўткир ижтимоий ва миллатлараро можаролар жамиятимизни мушкул аҳволга солиб қўймоқда. Партиянинг ташкилий ва ғоявий бирлиги, кўп миллатли давлатимизнинг яхлитлиги хавф остида қолди.

Съезд ана шу қийин, ҳаммани тўлқинлантираётган саволларга жавоб топишга муваффақ бўлдими? Партиянигина эмас, шу билан бирга бутун жамиятимизнинг тақдири ана шу масалаларнинг ҳал этилишига боғлиқдир. Съезд мамлакатни тангликдан олиб чиқишга қодир бўлган энг муҳим, асосий қоидаларни ишлаб чиқа олдими?

Сизларга маълумки, Ўзбекистон Компартияси XXVIII съездга ҳар қачонгидан кўра аниқ-пухта нуқтаи назар билан борди. Съездолди йиғилишлари ва конференцияларида ўзимизнинг XXII съездимизда биз жумҳурият турмушининг барча соҳаларидаги ишларнинг аҳволини ҳар томонлама ва танқидий таҳлил этдик, унинг миллий-давлат, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ривожланишининг ғоят ўткир муаммоларини белгилаб олдик. Шуларни назарда тутиб, умумпартиявий анжуманга бутун бир таклифлар мажмуини ишлаб чиқдик.

Умидларимиз оқландими? Биз съездда ўртага қўйган барча энг муҳим масалалар ҳал этилдими?

Давр мана шу барча саволларга рўй-рост ва тўғри жавоб берилишини тақозо этмоқда.

Мен ҳозир айтмоқчи бўлган барча баҳолар ва хулосалар, таклифлар ва вазифалар Марказий Комитет бюроси аъзоларининг фикригагина асосланмаслигини таъкидламоқчиман. Амалий фаолиятимизда илк бор биз партия фаоллари орасида социологик савол-жавоб ўтказдик. Унда съезд делегатлари, Компартия сайлаб қўйиладиган органларининг аъзолари иштирок этдилар. Фикрлар ғоят хилма-хил бўлишига қарамай, бу ишимизни қайта қуришга қаратилган кўпчиликнинг фикрини, демак бирмунча ишончли нуқтаи назарлар ва таклифларни пленум муҳокамасига қўйиш имконини беради.

### I.

Съезд ишига кенг кўламда баҳо берар эканмиз, биринчи галда нималарни ажратиб кўрсатишни ва таъкидлашни истардик?

Муайян кучларнинг партияни парчалаб ташлашга уринишларига қарамай, съезд унинг **ташкилий ва ғоявий бирлигини** сақлаб қолишга муваффақ бўлди.

Съезд турли платформалар ва позициялардаги барча қимматли ва амалий жиҳатларни ўз ичига олган катта сиёсий ечимларни ишлаб чиқди.

Хусусан, якка партиявийликдан кўп партиявийлик сари, иқтисодиётда бир укладликдан кўп укладлилик сари, демак, биз учун айниқса муҳим бўлган унитар давлатдан суверен, мустақил жумҳуриятлар иттифоқи сари дадил қадамлар қўйилди.

Буларнинг ҳаммаси партияни жипслаштириш, унинг теварагида барча соғлом, қайта қуриш кучларини бирлаштириш учун зарур асосларни вужудга келтиради.

Аммо партияни парчалаб юбориш ғояси эътибордан четда қолмади. Муайян кучлар Б. Н. Ельцин ва демократик платформа раҳбарларидан иборат кичик бир гуруҳнинг партиядан намойишкорона чиқиши, Г. Попов билан А. Собчакнинг баёнотлари аҳамиятини зўр бериб тарғиб қилишга ва бўрттириб кўрсатишга уринмоқдалар.

Тўғри, ана шу ҳаракатлар уларнинг муаллифлари мўлжаллаган ижтимоий шов-шувга сабаб бўлмади. Аммо бундай ҳаракатларнинг хатарли эканлигига етарли баҳо бермаслик мумкин эмас. Партияга, Советларга, социализмга қарши барча кучлар сиёсатдан холи бўлишдан иборат иғвогарона шиорлар теварагида бирлашмоқдалар. 15 июль куни Москвада бўлиб ўтган партияга қарши митинг буни яққол кўрсатди. Шу туфайли бундай хатти-ҳаракатларнинг ҳақиқий моҳиятини фош этиш, уларга сиёсий баҳо бериш зарур.

Съезд КПССнинг танланган **социалистик йўлга** содиқлигини аниқ-равшан таъкидлади. Айни пайтда умумбашарий тажрибани ҳисобга олиб, социалистик қурилиш назарияси ва практикасига ижодий ёндашув зарурлигини баён этди.

Бу умуман муҳимдир, ўртоқлар. Сизларга маълумки, бир томондан, ўтмишдаги барча нарсаларни оқлашга, ақидага айлантиришга, марксизм-ленинизмни ўзига хос муқаддас нарсага айлантиришга уринишлар бўлмоқда. Бошқа томондан эса, социализмнинг барча ғалабаларини рад этишга, КПСС ва халқ босиб ўтган бутун йўлни йўққа чиқаришга, бутун инқилобий таълимотни сохта деб эълон қилишга, яъни партияни ғоявий жиҳатдан қуролсизлантиришга уринишмоқда.

Ушбу масалаларда съезд эгаллаган қатъий позиция КПССнинг ғоявий-назарий негизини мустаҳкамлайди, у ана шу негизга таяниб, ижтимоий ривожланиш стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқа олади.

Съездолди мунозараларида ва съезднинг ўзида **партиянинг ташкилий қурилиши, демократик централизм, партия интизоми** масалалари катта баҳслашувларга сабаб бўлди. Бундай баҳслашувлар ҳозир ҳам давом этмоқда.

Бу хусусда партиянинг позицияси равшандир. Бирорта ҳам жиддий сиёсий ташкилот, айниқса жамиятдаги ишларнинг аҳволи учун масъулиятни тўла-тўкис ўз зиммасига олган бизнинг партиямиз аниқ ташкилий структурага, интизомга эга бўлмас экан, яшай олмайди.

Биз партияни уюшмаган мунозара клубига, пароканда тўгараклар ва фракцияларга айлантиришга уринишларни рад этган съезднинг қарорларини тўла-тўкис маъқуллаймиз. Биз КПССнинг янги Уставига асос қилиб олинган ташкилий нормаларни қатъий қўллаб-қувватлаймиз.

Шу билан бирга, партиямизга кўп жиҳатдан ҳали ҳам хос бўлган маъмурий-буйруқбозлик системасининг бузишларидан қатъиян халос бўлишимиз зарур. Съезднинг партия ички турмушини демократиялаш, партия оммаси ҳокимияти, озчиликнинг фикрини ҳисобга олиш тўғрисидаги қарори кундалик ишларимизга бутунлай сингиб кетиши, нормага айланиши учун жуда катта ишларни амалга оширишимиз керак бўлади.

Шуни рўй-рост айтаманки, бу масала партия комитетларимиз учун айниқса долзарбдир. Кўпгина кадрларимиз ўзларининг фикрига ортиқча баҳо бериш, рад этиб бўлмайдиган қатъийлик дардига мубталодирлар, буйруқ

**(Давоми иккинчи бетда)**

# ҲОСИЛ МЎЛ—МУАММОЛАР КЎП

Мамлакат ғаллазорларида баракали ҳосил етиштирилди. Буни СССР Министрлар Кенгаши Президиумининг 2 август куни бўлиб ўтган мажлисида маъруза қилган Министрлар Кенгаши Озиқ-овқат ва харид давлат комиссиясининг раиси В. В. Никитин ҳам тасдиқлади. Дастлабки ҳисобларга кўра, деҳқонлар камида 260 миллион тонна дон—ўриб йиғиб олишлари керак. Кўпдан буён бундай мўл ҳосил етиштирилмаган эди. Бироқ мўл ҳосил катта муаммоларни ҳам келтириб чиқарди. Қишлоқ меҳнатчилари уни белгиланган муддатда йиғиштириб олишлари қийин. Ўрим-йиғим суръатларининг пасайиши эса ҳар куни икки миллион тонна доннинг нобуд бўлишига олиб боради. Хуллас, даладаги ҳосилни эмас, ўриб-янчиб олинганини, хирмонга тўкилганини ҳисобга олиш керак. Деҳқонлар ғоят аҳиллик билан, вақт билан ҳисоблашмай меҳнат қилаётганликларига қарамай, ўрим-йиғим мавсуми улар учун унча кўнгилдагидек бўлмаяпти.

Ҳозирги қийинчиликлар аввало шу билан боғлиқки, шаҳар қишлоққа кўп механизаторларни етказиб бермади. Саноат корхоналарининг раҳбарлари бараварига: «Биз хўжалик ҳисоби асосида ишлаяпмиз. Ҳар бир киши ҳисобда» дейишмоқда. Комбайнларнинг 20 фоизи ҳайдовчилар йўқлиги сабабли бекор турибди.

Айниқса, сабзавотни йиғиб олишдаги аҳвол оғир. Бу соҳада механизациялаш даражаси атиги 21 фоизни ташкил этади. Агар олдинги йилларда оталиқ ташкилотлари ёрдам берган бўлсалар — мамлакат хўжаликлари далаларида 700 минг шаҳарлик ишлар эди — ҳозир уларнинг сони камайиб 150 минг кишига тушиб қолди. Ҳозир ташвишли хабарлар олинмоқда, хўжаликларнинг раҳбарлари оталиқ ташкилотларнинг ёрдамини кута-кута, сабзавотни ерга қўшиб ҳайдаб юборишга мажбур бўлмоқдалар. Хўжалик ҳисоби зарур, буни ҳеч ким шубҳа остига олмайди, лекин шаҳар корхоналарининг раҳбарлари қишлоқ манфаатларини менсимасликлари тўғри эмас. Тор маҳкамачилик нуқтаи назаридан эмас, балки умумдавлат манфаатлари нуқтаи назаридан қаралса, бу алоҳида муҳим ишдир. Бунинг устига ишчиларнинг ўзлари ҳосилни йиғиштириб олишда иштирок этишга тайёрдирлар, деб таъкидлади СССР Министрлар Кенгашининг Раиси Н. И. Рижков яқинда Саратов авиация заводи жамоаси билан учрашган пайтида. Фақат уларни моддий жиҳатдан қизиқтириш керак.

Ҳозирги ўрим-йиғим яна бир нуқсонни очиб ташлади. Элеваторлар, омборлар мўл ғалла ҳосилини қабул қилишга тайёр эмаслиги маълум бўлиб қолди. Шу сабабли донни ташиб кетиш секинлашди. Бунинг устига 20 минг автомобиль етишмаяпти. Тўғри, дон тайёрловчиларга темирйўлчилар ёрдамга келдилар, улар донни бошқа элеваторларга ташимоқдалар. Лекин Темир йўл министрлиги жуда зўриқиб ишламоқда. Темир йўл министрининг биринчи ўринбосари В. Н. Гинькошинг гапларига қараганда, донни ташиб олиш учун министрликка яна 20 мингта дон ташийдиган вагон керак. Ҳозир эса цемент, минерал ўғит ташийдиган вагонлар, усти ёпиқ вагонлар дон ташиш учун қайта жиҳозланмоқда. Бу ортиқча харажат, албатта, лекин на илож, ҳосилни сақлаб қолиш керак.

Президиум мажлисида сўзга чиққан Министрлар Кенгаши Раисининг ўринбосари В. Гусев, ВЦСПС котиби М. Рижиков, СССР металлургия министри С. В. Колпаков ўрим-йиғим даврида мамлакатда фавқулодда ҳолатни жорий этишни маъқуллаб гапирдилар.

Н. И. Рижков мажлисга якун ясаб, ишни фавқулодда чоралар кўришгача олиб бормаслик керак, деди. Лекин қатъий ҳаракат қилмай бўлмайди. Барча босқичлардаги раҳбарларга нисбатан, уларнинг аҳволи ва лавозими билан ҳисоблашмай, ҳосил тақдирига дахлдор бўлган ҳамма кишиларга нисбатан талабчанликни ошириш лозим. Ўрим-йиғимга қанча зарур бўлса, шунча одамни жалб этиш керак. Жумладан студентларни ҳам жалб қилиш лозим. Бундан бошқа йўл йўқ. Автотранспорт муаммоси ҳам ҳал қилинади. Ташкилотлар ва корхоналар қайси идорага бўйсунишидан қатъи назар улардаги автомашиналарнинг 10—15 фоизини ўрим-йиғимга жўнатиш режалаштирилмоқда. Мудофаа министрлиги мамлакат хўжаликлари учун қўшимча автомашиналар ажратади. Ички ишлар министрлиги, Давлат хавфсизлиги комитети, Мудофаа министрлигини қишлоқ хўжалик юкларини ортиш ва туширишга жалб этиш мўлжалланди. Матбуот, радио ва телевидение ҳам ўрим-йиғимнинг боришини назорат остига олиб, камчиликларни очиб ташлаб, қолоқларни танқид қилиб, илғор тажрибаларни оммалаштириб, ҳосилни сақлаб қолишга ўз ҳиссасини қўшиши мумкин. Энг муҳими — етиштирилган ҳосилни биргаликдаги куч-ғайрат билангина йиғиштириб олиш ва сақлаш мумкинлигини унутмаслик керак.

**С. ТЕЛЕПНЕВ,**
**ТАСС мухбири.**

**Москва.**

# ПАРТИЯДА ДЕМОКРАТИЯНИ РИВОЖЛАНТИРАЙЛИК

**МОСКВА, 2 август. (ТАСС мухбири Р. Карякин). КПСС Марказий назорат комиссияси — партиянинг жазоловчи органи ҳам, прокуратураси ҳам эмас. Коммунистларни партия бюрократларидан, амалпарастлардан ҳимоя қилиш унинг асосий мақсадларидан биридир. КПСС Марказий назорат комиссиясининг раиси Б. К. Пуго журналистлар билан учрашувда сўзга чиқиб, шуни таъкидлади.**

Жумладан, раис коммунистларнинг ҳимояланиши партия Марказий Комитети қандай ҳужжатларни қабул қилишига ва улар қандай бажарилишига боғлиқ бўлишини айтди. Айни Марказий Комитет фаолиятини назорат қилиш Марказий назорат комиссияси ишига асос қилиб олинган. Бунда у ўзини КПСС Марказий Комитетидан юқори қўймайди, унинг вазифаси партияда демократияни ривожлантириш соҳасида биргаликда меҳнат қилишдан иборат.

Марказий назорат комиссиясининг раиси КПСС XXVIII съезди партияни съездгача бўлган ҳолатидан, амалда янги партиядан ажратган марра бўлди, деган фикрни айтди. Унинг фикрича ана шу янги партия истиқболли партиядир. Комиссиянинг вазифалари КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия назорати комитетининг вазифаларига нисбатан ўзгарганлиги ҳам, унинг таркиби принципиал жиҳатдан ўзгарганлиги ҳам мана шу билан боғлиқдир. Ҳозирги вақтда ишчилар, деҳқонлар, зиёлиларнинг вакиллари КПСС Марказий назорат комиссиясида кўпгина партия ходимларининг ўрнини эгаллаганликлари бежиз эмас.

Б. К. Пуго, комиссия коммунистлардан тушаётган барча шикоятлар ва таклифларни, албатта, ҳал эта олмаслигини таъкидлади. Чунки КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия назорати комитети номига бир йилда салкам 60 мингта хат олинди ва уларнинг оқими камаяди, деб ўйлаш нотўғри бўлур эди. Комиссия раиси қуйи партия органлари тезроқ ишга киришишлари лозим деган истакни билдирди: марказ ҳар қанча истаса ҳам бажара олмайдиган вазифаларнинг бир қисмини улар ўз зиммаларига олишлари керак.

Журналистлар билан учрашувда шу йилнинг олти ойи ичида 370 мингга яқин киши ихтиёрий равишда КПСС сафидан чиққанлиги айтиб ўтилди. КПСС Марказий назорат комиссиясининг раиси буни мутлақо нормал жараён, деб ҳисоблайди. Партия КПСС XXVIII съездидан кейин ўз позициялари Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг позицияларига мос келмаслигини тушунган тасодифий кишилардан тозаланмоқда.

# КПСС XXVIII СЪЕЗДИНИНГ ЯКУНЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

беришни ғоят ёқтирадилар ва ўз фикрини энг сўнгги ҳақиқат деб ҳисоблайдилар. Биз мана шу барча иллатлардан қатъиян халос бўлишимиз даркор. Съезднинг **партия қурилиши территориал-ишлаб чиқариш принципини** сақлаб қолиш тўғрисидаги қарорлари алоҳида аҳамиятга эгадир. Унинг мухолифлари партиямиз аввал бошданоқ, дастлабки ишчилар тўгараклариданоқ меҳнаткашлар партияси сифатида ташкил этилганлигини ва ривожланганлигини, улар билан мустаҳкам боғлиқ эканлигини унутиб қўймоқдалар. Ишлаб чиқаришда партия ташкилотларининг бўлмаслиги ҳозирги шароитда одамлар турмуш фаолиятининг энг муҳим соҳаларида партия таъсиридан амалда маҳрум бўлишни билдирган бўлур эди. Ваҳолонки, айрим жойларда шундай қилишга шошилмоқдалар.

Биз аҳоли истиқомат жойларида, энг аввало маҳаллаларда таъсирни кучайтиришимиз зарур. Халқ депутатларига ўтказилган сайлов тажрибаси ҳам бундан яққол далолат беради. Бизда, Шарқда, маҳаллалар алоҳида аҳамиятга эгадир. Кўпчилигимиз ана шу маҳаллаларда ўсиб, катта бўлдик ва шахснинг камол топишида, фарзандлар тарбиясида, энг яхши миллий анъаналаримизни, катта ёшдаги кишиларга ҳурматда бўлишда, меҳнатни севиш, жамоа туйғусини, заифлар ва фақирларни ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам бериш, ижтимоий адолат туйғусини сақлаб қолишда маҳаллаларнинг аҳамияти қанчалик катта эканлигини аниқ-равшан мисолларда биламиз.

Кейинги вақтда Тошкент, Бухоро, Андижон вилоятларида маҳалла комитетларининг иши соҳасида муайян тажриба тўпланди. Бу тажриба ғоят қимматлидир. Бугун мен маҳалла комитетларининг барча раҳбарларига, барча фаолларга ва биринчи галда, ветеранларимизга уларнинг олижаноб ва беғараз меҳнати учун миннатдорчилик сўзларини айтмаслигим мумкин эмас.

Съезд **давлат органлари** — армия, милиция, суд, давлат хавфсизлиги комитетини **сиёсатдан ва мафкурадан** холи этишга қарши қатъий фикр билдирди. Бу масала атрофида кўп шов-шув, ҳар хил ақидапараст фикрлар айтилмоқда.

Ғарб демократияси тажрибасига таянаётганлар муғомбирлик қилаяптилар, деб ўйлайман. Ҳеч қаерда, Америкада ҳам, Бельгияда ҳам, Швейцарияда ҳам давлат ҳокимияти органлари ҳукмрон синф иродасидан мустақил эмаслар. Улар, бу нарса қандай ниқобланмасин, ғоявий таъсирдан холи эмаслар. Ҳукмрон партиялар — Америкадаги республикачилар ёки демократлар бўлсин, Англиядаги лейбористлар ёки консерваторлар бўлсин — булар ҳамиша ҳукмрон синф партияларидир.

Ғоявий тарғиботчилар қандай аталишидан қатъи назар, бир нарса равшанки, — улар у ёки бу сиёсатнинг, у ёки бу мафкуранинг тарғиботчиларидир. Армия ва ҳокимиятнинг бошқа органлари сиёсатдан ва мафкурадан ташқарида бўлмайди ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Чилидаги 1973 йилги воқеалар — бунга яққол мисолдир. Бу сиёсатнинг унутиш мумкин бўлмаган энг оддий қонунларидир.

Кўп миллатли давлатимиз шароитида биринчи даражали, айтишим мумкинки, фавқулодда аҳамиятга эга бўлган энг муҳим масалалардан бири — бу **мамлакатни ташкил этувчи ҳар бир жумҳуриятнинг сиёсий суверенитети ва иқтисодий мустақиллиги** тўғрисидаги масаладир. Съезд бу жиҳатдан олға томон катта қадам қўйди.

Сиёсий маърузада, съездда қабул қилинган ҳужжатларда ҳар бир республика ўз территориясида жойлашган барча ишлаб чиқариш, табиий — хом ашё ресурсларига тўла эгалик қиладиган, уларни тасарруф этадиган ва улардан фойдаланадиган, у кўнгилли равишда марказ ихтиёрига ўтказадиган масалалардан ташқари, сиёсий, иқтисодий ва маънавий турмушнинг барча масалаларини мустақил ҳал этадиган суверен давлат бўлиши зарурлиги таъкидланади.

Янги Иттифоқ шартномаси ишлаб чиқилиши муносабати билан мана шу умумий қоидаларни эндиликда аниқ мазмун билан тўлдиришимиз лозим. Биз Иттифоқ шартномасига бир вақтнинг ўзида юқоридан — марказий органлар ва қуйидан — иттифоқдош республикалар тайёргарлик кўришлари лозим, деб ҳисоблаймиз. Айни пайтда жумҳуриятга устунлик берилиши даркор. Айни республика у қандай шартлар асосида Иттифоққа киришга, шартномани имзолашга рози эканлигини пировард натижада ўзи ҳал этиши керак бўлади. Ҳозир жумҳуриятимизда шундай шартноманинг бизга хос лойиҳасини яратаётган комиссия ташкил этилди.

Съезднинг биз учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган бошқа ғоят муҳим кўрсатмаси ҳам шунга асосланади. Съезд КПССнинг ташкилий ва ғоявий бирлигини мустаҳкамлашга қаратилган муҳим қарорларни қабул қилар экан, айни пайтда иттифоқдош жумҳуриятлар Компартияларининг мустақиллигини ва тўла ҳуқуқлилигини ошириш зарурлигини ёқлаб чиқди.

Сизларга маълумки, мен съездда сўзлаган нутқимда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети кўпчилик аъзоларининг фикри ҳамда хоҳиш-иродасини ифодалаб, ушбу позицияни шундай изҳор қилгандим: «КПСС умумий ҳаракат режалари ва ягона Уставга, Марказий Комитетига эга бўлган жумҳурият Компартияларининг иттифоқидир». Бу амалда нимани билдиради?

Жумҳурият мустақиллиги ва суверенитети унинг Компартиясининг мақоми ҳам бошқача бўлишини тақозо этади. У марказ сиёсатини жойларда ўтказадиган КПССнинг шунчаки ҳудудий ташкилоти бўлиши мумкин эмас. Биз Ўзбекистон Компартияси бугунги кунда ҳам, келажакда ҳам ишчилар синфи, деҳқонлар ҳамда жумҳурият барча меҳнаткашларининг манфаатларини ифодалаши ва ҳимоя қилишини қатъиян айтамиз. Сайлаб қўйиладиган барча органлар ва алоҳида олганда ҳар бир коммунистнинг бутун фаолияти ана шу мақсадга бўйсундирилади. Компартиянинг маҳаллий шарт-шароитларнинг ўзига хос хусусиятларини, минтақамизнинг тарихий, маданий ва маънавий анъаналарини, жумҳуриятимиз ҳудудида яшаб турган барча кишиларнинг орзу-умидлари ва муддаоларини назарда тутувчи стратегия ва тактикаси бунга мос бўлиши керак. Бунда биз КПСС съезди ишлаб чиққан умумий дастури, мақсадларга, Устав талабларига, сиёсий йўлга асосланишимиз лозим.

Шу асосда ўз программавий ва норматив ҳужжатларимизни ишлаб чиқишимиз зарур. Бугунги кунда уларга нисбатан асосий ёндашувларни ишлаб чиқиш ва шакллантириш, иш тартибини ва уларни тайёрлаш муддатларини белгилаб олиш қатъий зарурат бўлиб қолди. Бу ҳақда кейинроқ тўхталиб ўтаман.

Съездда Компартия мақомини ошириш учун амалий қадамлар ташланди. Уставнинг 22-параграфига ҳуқуқларимизни кенгайтирадиган ва тўлдирадиган бир қанча ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилди, иттифоқдош жумҳуриятлар Компартиялари мустақил ҳал қилиш ҳуқуқига эга бўлган масалаларни тартибга солиб турувчи нормалар олиб ташланди.

Жумҳурият Компартиялари вакилларининг сайлаб қўйиладиган марказий ва раҳбар органлардаги тенглиги таъминланди. Ўзбекистон Компартияси вакилларидан 19 киши КПСС Марказий Комитетининг аъзоси этиб, 12 киши Марказий назорат комиссиясининг аъзоси этиб сайланди. Улар жами 31 кишини ташкил этади. Марказий Комитет Сиёсий бюроси ва Секретариати составига, КПСС Марказий назорат комиссияси Президиумига биттадан вакилимиз сайланди. КПССнинг бундан аввалги сайлаб қўйиладиган марказий органларида Компартиямиз вакилларидан атиги 13 киши бўлганлигини, ҳисобот даври охирида эса фақат битта Марказий Комитет аъзоси қолганлигини қиёслаш учун эслатиб ўтмоқчи эдим.

КПСС XXVIII съезди умуминсоний **қадриятларнинг** синфий, партиявий, миллий, группавий ва бошқа шу каби қадриятлардан устунлигини эълон қилди. Бу, бир қарашда нореал кўринган фалсафий хулоса партия учун жуда катта сиёсий аҳамиятга эга. Чунки узоқ вақтлардан бери иш манфаатларини инсон манфаатларига қарама-қарши қўйиб келдик. Гарчи «Ҳамма нарса инсон учун, унинг фаровонлиги учун» шиори эълон қилинган бўлсада, амалда ҳар бир кишига катта давлат машинасининг бир ғилдираги ёки мурвати сифатида қараб келинган эди.

Бугун биз ушбу масалага бўлган нуқтаи назаримизни тўла ўзгартиришимиз, демак ўз амалий фаолиятимизни тубдан қайта қуришимиз лозим бўлади. Бизнинг барча партия, совет, давлат идораларимиз, барча кадрларимиз оддий бир ҳақиқатни ўзлаштириб олишлари керак: улар одамлар учун, уларнинг эҳтиёжлари ва юмушларини ҳал этиш, манфаатларини ҳимоя қилиш учун яшайдилар ва ишлайдилар. Агар қандайдир бир ташкилот одамларга кераксиз бўлиб қолса, у ҳеч кимга — партияга ҳам, давлатга ҳам керак эмас. Омма билан кундалик узвий алоқа боғлаш, одамларнинг эҳтиёжлари ва манфаатлари тўғрисида доимий ғамхўрлик қилиш билангина партиянинг обрў-эътиборини ва унга бўлган ишончни, партиянинг жамиятдаги раҳнамолик мавқеини тиклаш мумкин.

Бу ҳақда бежиз гапираётганим йўқ. Кўпгина ходимларимиз, шу жумладан, партия ходимлари ҳали ҳам қандайдир мавҳум режалар ҳамда суръатлар, қоғозбозлик тадбирлари билан яшаб келишмоқда. Одамларга амалда ғамхўрлик қилиш, масалан, уларга ер, томорқа ажратиб бериш, уй-жой қурилишида ёрдамлашиш иккинчи даражали бўлиб қолмоқда. Ҳатто кимлардир одамларнинг турмушини бирмунча енгиллаштириш, уларнинг энг долзарб эҳтиёжларини қондиришга қаратилган Президент Фармонларини бажаришга шошилишмаяпти.

Бу раҳбарлар, қандай даражада бўлишмасин, улар камтарроқ бўладиган, ниҳоят пастроқ тушадиган вақт аллақачон келган. Менинг бу гапларимни пўписа деб тушунманг, лекин бир нарсани таъкидламоқчиман: сизнинг рухсатингиз билан шуни айтаманки, бундай раҳбарлардан халқ юз ўгиради, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Президент сифатида мен халқнинг хоҳиш-иродасига қулоқ соламан. Раҳбарлик қилишга бир марта ва бутун умрга мандат бериладиган вақтлар ўтиб кетди. Одамларнинг ишончи ва ҳурматини иш билан қозониш керак. Раҳбарлик қилиш ҳуқуқини одамларга ҳар куни ғамхўрлик кўрсатиш билан исботлаш лозим.

## II.

XXVIII съезд якунларини танқидий мушоҳада этар эканмиз, бизнингча, фикрлар кураши, турли ёндашувларнинг тўқнашуви оқибатида кўп муҳим масалалар етарли даражада тўла очилмади ёки бутунлай четлаб ўтилди.

Сиёсий маърузада, Сиёсий бюро аъзоларининг миллатлараро муносабатлар муаммолари юзасидан қилган ҳисоботларида берилган силлиққина, кескин нуқталарни четлаб ўтувчи баҳолар бизни қониқтирмайди. Мамлакатимиздаги аҳвол ниҳоятда мураккаб. Болтиқбўйи ва Кавказ ортидаги, Молдавия ва Украина, Ўрта Осиёдаги, бошқа бир қанча минтақалардаги воқеалар бутун мамлакатимизни ларзага солиб турибди. Оммавий тартибсизликлар ва миллатлараро можаролар негизида қурбон бўлганлар, қочоқлар, вайронагарчиликлар бутун жамиятимизнинг ташвиши ҳамда дардига айланди.

Делегациямиз бевосита фожиали Ўш воқеаларидан — ҳали-ҳали охиригача аниқ ва қатъий сиёсий баҳо берилмаган воқеалардан сўнг съездга борди. Шу сабабли бу воқеалар ҳали ҳам ўз кескинлигини сақлаб қолмоқда. Мабодо эртага ушбу можаро жумҳуриятлараро можарога айланса нима бўлиши мумкин? Бу бутун Ўрта Осиёни, бутун мамлакатимизни парчалаб, портлатиб, бизни ўн йиллар орқага итқитиб юбориши мумкин. Зотан, яхши қўшничилик муносабатларини бир дақиқада бузиб юбориш мумкин, лекин бу муносабатларни чегалаш учун неча ўн йиллар ва асрлар керак бўлади.

Биз можаронинг кучайишига йўл қўймаслик, ур-йиқитларнинг қатнашчилари ва ташкилотчиларини аниқлаш учун узил-кесил чора-тадбирлар кўрилиши, уларни совет қонунларига мувофиқ қаттиқ жавобгарликка тортиш учун қўлимиздан келган барча ишларни қиляпмиз ва қилаверамиз.

Миллатлараро нифоқ одамларнинг онгига сингаётгани, ёшларимизни маънавий жиҳатдан заҳарлаётгани энг даҳшатлисидир. Табиий ва адолатли миллий туйғу аста-секин миллатчилик туйғусига айланади. Миллий ғурур миллий устунлик ва афзалликка айланади, у ёки бу ирқ ёхуд миллатга мансублик гўёки бошқалар устидан афзаллик ҳуқуқини беради. Буларнинг ҳаммаси тарихда, шу жумладан Ўрта Осиёда бўлган. Бу воқеалар одамлар учун нималарга айланганлиги, қандай кулфатлар келтирганлиги яхши маълум.

Биз 70 йилдан кўпроқ давр мобайнида яхши қўшничилик қилиб, яшаб келдик. Шу вақт ичида жуда оғир — коллективлаштириш, уруш даврлари ҳам бўлди. Лекин биз биргаликда, қўлни-қўлга бериб, бир-биримизга ёрдамлашиб барча қийинчиликларни енгдик. Тақдиримизда туб бурилиш бўлаётган бугунги кунда, аҳилчилик билан биргаликда куч-ғайрат сарфлашимиз айниқса лозим бўлиб турган бир пайтда тўсатдан одамлар қалбига ғанимлик туйғулари суқилиб кира бошлади.

Буни нима билан изоҳлаш мумкин?

Ҳар бир одамнинг олижаноб, ҳалол, ўзига хос, инсоний фазилатлари кўп бўлади. Оғир вазият юзага келганида энг яхши кишилар одамларнинг келажаги учун, ўсиб келаётган бўлажак авлод учун ўзларини қурбон қилишлари тасодифий эмаску, ахир! Лекин ҳар бир кишининг қоронғу, худбинлик жиҳатлари ҳам бор. Ҳамма нарса бизнинг одамларда инсонийликни уйғотишимизга, улар қалбидаги қайси торларни чертишимизга боғлиқ.

Бизнинг тарғиботимиз ўз зиммасига олган энг юксак масъулият ана шу билан белгиланади. Биз тарихимиздаги хато, фожиали, ғайри инсоний воқеалар билан бир қаторда бутун ўтмишимизни ўчириб, уни қора бўёқ билан бўяб ташлаётган вақтимизда инсонлар қалбидаги маънавий асослар бузила бошлаган эмасмикин?

Биз мафкурадан четлаштириш деб аталган йўлга қизиқа бошлаганлигимиз, ғарбга хос энг ёмон намуналар, шаҳвоний ҳислар, истеъмолчилик, тайёрга айёрлик кайфиятлари, гўзал турмуш қолипларини ўйламай-нетмай тарғиб қила бошлаган ва ўрната бошлаганлигимиз натижасида жамиятимиз бир қисми маънавий, ахлоқий жиҳатдан бузилишининг сабаби шунда эмасмикин? Катта авлод вакилларининг ҳаммасини ақидапарастликда, фикр торлигида, маҳдудликда айблаб, шу тариқа катталарга бўлган ҳурматга путур етказганимизда эмасмикин? Ҳамма нарсаларни фақат моддий манфаатдорликка, ўзини ўйлаб ҳисоб-китоб юритишга бурганлигимиз, ахлоқий омилларни ҳақоратлаб, уларни бутунлай четга чиқариб ташлаб, зарар келтирмадикмикан? Фақат салбий материаллар билангина тўлиб тошган оммавий ахборот воситаларимиз одамларнинг маънавий жиҳатдан ғазабланишларига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшмаяптимикан? Ҳозирги пайтда кинода ҳам, театрда ҳам, китобда ҳам, матбуотда ҳам барча қийинчиликларга қарамай, ўзи учун ҳам, бошқалар учун ҳам турмушни яхшилаётган, мақсади ва куч-ғайрати бўлган ижобий намунани, шундай инсон образини учратмайсан. Бундай одамларни биз далаларда, цехларда, қурилишларда учратамиз, бироқ, таассуфки, публицистларимиз фош қилишга берилиб кетиб, бундай одамларни кўришни, газетхонларга, томошабинларга, тингловчиларга намуна қилиб кўрсатишни истамаётирлар.

Кескинликнинг сабаблари душманлик ва тоқатсизликни авж олдираётган, ёшларни зўравонликка ундаётган ёвуз қора кучларга тегишлича зарба бермаётганлигимизда эмасмикан? Биз экстремистлар билан тўқнашишдан ўзимизни четга олишга интиляпмиз, қон тўкилган пайтдагина эсимиз жойига тушяпти.

Яқинда Тошкентда бўлиб ўтган воқеаларни олиб кўрайлик. Бу ерда биз митинглар ва намойишларда сиёсий ташаббусни қўлга олиб ўрганиб қолган, ана шу мақсадда ҳар қандай қийинчиликлардан, етилган муаммолардан, энг аввало ижтимоий муаммолардан, жиноятчиликнинг ўсишидан, фарзандларимиз армияда хизматни ўташ чоғида юз берган салбий воқеалардан, ҳатто турмушдаги қийинчиликлардан фойдаланиб, омманинг эҳтиросларини авж олдиришга кўникиб қолган муайян жиззаки арбобларнинг уринишларини кўриб турибмиз. Шуни айтиш керакки, бундай ҳолларда ана шу шўринг қурғур «раҳбарлар»нинг ашаддий жиноятчилар ва безори унсурлар билан қўшилиб кетганлиги таъсир қилмоқда. Ҳар қандай кескинлик ва қарама-қаршилик, безорилик хатти-ҳаракатлари, талончилик, ур-йиқит ва қотилликлар учун қўл келади.

Ана шу хатти-ҳаракатлар замиридаги энг катта хавф, айтиш мумкинки, фожиа, шундаки, ижтимоий хуружларни, одамларнинг норозилигини кейинчалик ҳеч қандай куч билан ўчириб бўлмайдиган, сон-саноқсиз ва ўнглаб бўлмайдиган кулфатлар, жудоликлар келтирадиган, ҳаммамиз учун энг қимматли нарса — бегуноҳ кишиларнинг қурбон бўлишига сабаб бўладиган ёнғин хавфини келтириб чиқарадиган миллатлараро тўқнашувлар ўзанига буриб юборишга уринишдир.

Биз бунга йўл қўя оламизми? Йўқ, бунга мутлақо йўл қўя олмаймиз. Ана шундай режаларни тузаётган ва аввало ёшларни ёвузлик билан шу йўлга ундаётган кишиларга нисбатан энг қаттиқ чораларни кўришни вазиятнинг ўзи талаб қилмоқда. Бундай кишилар ўзлари алдаган ва ғалаёнга келтирган одамларни зарба остида қолдириб, ҳар сафар ўзлари четда қолмоқдалар. Қонунларимиз, баъзан жуда юмшоқ жазо белгиловчи қонунларимиз панасига яшириниб, адолатли жавобгарликдан ва қасосдан қутилиб қолиш имкониятига эга бўлиш учун бундай ғаламислар ҳамиша бир четда юришларини фотосуратларда кўриш мумкин.

Биз эсда тутишимиз лозим бўлган энг муҳим нарса шундаки, ана шундай «раҳбарлар»да одамларнинг турмушини яхшилаш, уларни қандай қилиб тўйдириш ва кийинтириш, уй-жой ва бошқа барча зарур нарсалар билан таъминлаш, жамиятимизни моддий ва маънавий жиҳатдан янгилаш, Ўзбекистоннинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини таъминлашга доир ҳеч қандай амалий таклифлар йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Буларнинг ҳаммасига чек қўядиган пайт келди, ахир. Бу соҳада биринчи навбатда меҳнат жамоалари, маҳалла комитетлари, одамларимизнинг осойишталиги ва хавфсизлигига, болаларимизнинг келажагига бефарқ қарай олмайдиган кишилар ўз сўзларини айтишлари керак. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ҳам бу соҳада ўз сўзларини айтишлари керак, албатта.

Съездда **партиянинг турли жамоат ташкилотлари ва норасмий ҳаракатлар билан ўзаро муносабатлари** масалаларига етарлича эътибор берилмади. Бу соҳада жипслашиш тўғрисидаги шиорлар билан кифояланиб бўлмайди, ахир. Жипслашиш яхши нарса, лекин қандай асосда жипслашиш керак? Бунинг устига жамоат ҳаракатлари ўзгариб бормоқда.

Улардан баъзилари аҳолининг у ёки бу табақалари манфаатларини, тил ва маданиятни ҳимоя қилишни, экологик жиҳатдан осойишталик учун курашишни ўз олдига мақсад қилиб қўйиб, одамлар учун зарур ишни ҳалол ва собитқадамлик билан бажармоқдалар, одамларнинг мададига сазовор бўлмоқдалар. Биз ана шундай ҳаракатлар билан фаол ҳамкорлик қилишимиз, уларни қўллаб-қувватлашимиз, улардаги энг яхши нарсаларни, одамлар учун жозибали жиҳатларни ўрганишимиз керак.

Бошқалари эса ўша шиорларини эълон қилиб ва шу шиорлар орқали аҳолининг маълум қисми мададига таяниб, ўзларининг дастлабки ваъдаларини тезда унутиб қўймоқдалар, партияга, Совет ҳокимиятига нисбатан мухолифлик йўлига ўтмоқдалар.

Афсуски, съезд бу масалаларда тактика ва стратегияни ишлаб чиқмади, умумий даъватлар билан чекланиб қолди, юз берган сиёсий вазиятда эса фақат шиорлар ва декларациялар билан иш чиқмайди, бу ерда қатъий ва принципиал позицияда туриш керак.

Съездда **партиянинг Советлар билан баҳамжиҳат ҳаракатлари** каби муҳим муаммо аниқ баён этилмади. Ҳокимият ваколатлари халқ ҳокимияти органларига топширилиши лозимлиги равшан. Лекин буни қандай шаклда амалга ошириш яхшироқ бўлади?

Съезд материалларида сайлов кампанияларида партия ташкилотларининг стратегияси ва тактикаси масалаларига жуда кам эътибор берилган. Ҳолбуки, сайловларнинг қийин ва ҳамиша ҳам бир хил бўлмаган сабоқлари мавжуд. Болтиқбўйидаги, Москва Советига, Ленинград Советига сайловларнинг сабоқлари наҳотки бизни ҳеч нарсага ўргатмаган бўлса? СССР халқ депутатларининг съездлари ҳам кўпгина саволларни ўртага қўймоқдаки, уларга ҳали жавоб берилгани йўқ.

Кўп миллатли давлатимизнинг келажаги, **янги Иттифоқ шартномаси** — жуда ўткир, биринчи даражали аҳамиятга молик масалалардир. Лекин съездда улар кенг таҳлил қилинмади.

Энг ачинарлиси шундаки, аслида Иттифоқ ва жумҳуриятлар билан ўзаро муносабатларимизнинг негизини ташкил этадиган ана шу шартномани ишлаб чиқишда жуда кечикиб қоляпмиз. Ахир бундай жиддий ишда синаб кўриш ва хатолар қилиш йўлидан бориш мумкин эмас.

Биз сўнгги вақтда ҳам турлича тажрибалар ўтказилишидан кўп жабр кўрдик. Бизни айниқса шу нарса ғазаблантирмоқдаки, жуда катта харажатлар учун ана шу ғояларнинг муаллифлари ҳеч қандай жавобгар бўлмайдилар.

Бизнингча, съездда **бозор муносабатига ўтиш масалалари** мутлақо қониқарсиз муҳокама қилинди, чала — ярим, айтилмай қолган гаплар кўп бўлди.

Бозор муносабатларига ўтиш—барча одамларнинг ҳаётий манфаатларига дахлли бўлган, уларнинг ҳаётини мутлақо янги ижтимоий шароитга кўчирадиган туб ижтимоий-сиёсий ўзгаришдир.

Шунинг учун ҳам ҳаракатларнинг ҳар томонлама асослаб берилган аниқ режалари, ана шундай ўтишнинг аниқ белгилаб қўйилган босқичлари бўлиши керак. Идора қилувчи сиёсий партия сифатида бизга энг аввало ижтимоий адолат қоидалари, меҳнаткашларни, аҳолининг барча қатламларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш қоидалари муҳимдир.

Биз қатъий келишиб олишимиз керак: аввало бозор муносабатига ўтишнинг зарурлиги ва мақсадга мувофиқлигига халқни ишонтиришимиз, бундан одамлар нималарни ютишини, нималарга эга бўлишини кўрсатиб беришимиз керак. Агар биз шундай қила олмасак —ҳеч қандай ислоҳот бўлмайди. Норозиликнинг ижтимоий тўлқини ислоҳотни ҳам, унинг муаллифларини ҳам ювиб оқизиб кетади.

Жумҳуриятимиз учун аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиниши масаласи айниқса ўткир бўлиб турибди. Бизда 9 миллион киши ёки аҳолининг 45 фоизи яшаш учун зарур бўлган энг кам миқдордан ҳам кам даромад олмоқда, бу ҳақда биз кўп гапирдик. Оилада болалар сони ҳам бизда икки баравар кўп, бунинг устига барча аҳолининг 47 фоизини 16 ёшгача бўлган болалар ташкил этади. Улар ота-оналарининг қарамоғида, ота-оналарининг ўртача иш ҳақи эса умуман мамлакатдагидан кам. Аҳоли қашшоқ қисмининг, ўқувчиларнинг, пенсионерларнинг, ҳозир иш тополмай юрган кишиларнинг ҳоли не кечади?

Бундай шароитда улар турмуш даражасининг пасайиб кетмаслигига қандай эришиш мумкин? Ахир олдимизда катта вазифа турибди, сайловолди ҳаракат дастуримизда халққа фаровонлигини ошириш ҳақида сўз берганмиз.

Бозорга ўтиш чоғида жумҳуриятнинг шу пайтдаги аҳволини, унинг халқ хўжалиги тузилмасини, одамларнинг турмуш даражаси ва тарзини ҳисобга олиш зарур. Одамларнинг истеъмол моллари ва хизматлар билан таъминланиш даражасини ҳам, ўртача иш ҳақи ва ўртача пенсия иттифоқдаги ўртача даражадан анча камлигини ҳам ҳисобга олиш зарур. Масалан, бизда гўшт, сут маҳсулотлари етишмаслиги сабабли аҳоли жон бошига йилига 167 килограмм нон истеъмол қилинади, мамлакат бўйича эса ўртача 130 килограмм нон истеъмол қилинади. Бинобарин, нон нархи оширилган тақдирда кўриладиган зарарни қоплаш системаси ҳам ана шу аҳволни ҳисобга олиши керак. Хуллас, бозор иқтисодиётига ўтиш чоғида бирорта ижтимоий табақа унутилмаслигига, аҳолининг асосий кўпчилиги пировард натижада албатта наф кўришига ишончимиз мутлақо комил бўлиши керак.

Бу бизнинг қатъий фикримиз. Жумҳурият ҳукумати ҳам бозорга доир таклифларимизни ишлаб чиқаётганда ва ҳимоя қилаётганда худди ана шунга асосланиши керак.

Съездда **ёшларга доир сиёсатга** кам эътибор берилди. ВЛКСМ Марказий Комитети котиби Владимир Зюкиннинг нутқи эътиборсизлик билан кутиб олинди. Партия съезди арафасида бўлиб ўтган комсомол съезди бизнинг ёшлар ҳаракатимизда қандай мураккаб, қийин муаммолар етилганлигини кўрсатди. Ўз ўринбосарлари тўғрисида, ўзининг келажаги ҳақида ғамхўрлик қиладиган партия бундай муаммоларни четлаб ўтолмайди.

Жумҳуриятимизда бу масалалар биз учун икки карра долзарброқдир. Чунки жумҳурият аҳолисининг ярмидан кўпроғи 30 ёшгача бўлган йигит ва қизлардир. Ижтимоий бесаранжомликдан, ишсизликдан, маориф, маданият ва спортнинг оддий базалари ҳам йўқлигидан айни кўпроқ ёшлар қийналадилар. Вазиятни беқарор қилиш ҳамда бошбошдоқлик ва тартибсизлик тўлқинида ҳокимият тепасига чиқиб қолишни режалаштираётган турли экстремист кучлар аввало ёшларга умид боғлашаётгани тасодиф эмас.

Шунинг учун бизга ёшларга доир ижтимоий кучли сиёсат, кенгайтирилган ёшлар программаси, ёшлар ҳаёти ва манфаатларининг барча жиҳатларини қамраб оладиган ёшлар тўғрисидаги қонун зарур. Агар жумҳурият партия ташкилоти ўз келажаги ҳақида чинакам жон куйдирса, ана шу масалаларда ташаббускорлик ва қатъият кўрсатиши лозим.

Съездда **аёллар тўғрисида** кўп гапирилди. Улар съезд ҳайъатига, бошқа ваколатли органларга сайландилар. Хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, реал кафолатлари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оналаримизнинг, аёлларимизнинг, опа-сингилларимизнинг ишлаб чиқариш ва турмушдаги аҳволини енгиллаштиришга доир амалий чора-тадбирлар тўғрисида эса гапирилмади.

Жамиятнинг маданияти ва маърифати даражаси унинг хотин-қизларга муносабатига қараб белгиланади деган гап жуда тўғри. Бизда Ўрта Осиёда бу масала янада ўткирроқ бўлиб турибди. Яширишга ҳожат йўқ — бизда энг оғир ва зарарли ишлар билан хотин-қизлар шуғулланишмоқда, оила, болалар тўғрисидаги ташвишларнинг бутун оғирлиги уларнинг зиммасига тушмоқда. Хотин-қизлар аҳолининг ижтимоий жиҳатдан энг кам ҳимоя қилинадиган қисмидир. Ишлаб чиқаришда банд бўлмаган аҳолининг асосий қисмини хотин-қизлар ташкил этади. Уларнинг кўплари, биринчи навбатда кўп болали оналар жуда катта давлат аҳамиятига молик ишни бажармоқдалар, яъни болаларни тарбияламоқдалар, бироқ касал бўлганларида нафақа ҳам, қарилик пенсияси ҳам олмаётирлар.

Биз сайловолди Ҳаракат дастуримизда хотин-қизларнинг жамиятдаги аҳволини енгиллаштириш юзасидан катта чора-тадбирларни белгиладик. Бу соҳада дастлабки ишлар қилинди. Биз ишни охирига етказишимиз керак — гап бемор хомиладор аёлларни қўшимча овқатлантириш (миллатнинг генетик фонди шунга боғлиқ), шахсий ёрдамчи хўжаликда банд бўлган аёлларга меҳнат дафтарчаси бериш ва бошқа тадбирлар ҳақида бормоқда.

Аммо булар ҳам кам. Бу соҳада туб чора-тадбирларни амалга ошириш зарур. Бутун ижтимоий соҳани, биринчи навбатда оналик ва болалик билан бевосита боғлиқ бўлган тармоқларни тубдан қайта қуриш керак.

Бутун **маданият, соғлиқни сақлаш, маориф, турмуш соҳаси,** одамларнинг ҳаёти билан боғлиқ соҳаларнинг ҳаммаси ана шунга дахлидир. Съездда бунга ҳам тегишлича эътибор берилмади. Бизда болалар боғчалари, касалхоналар, туғуруқхоналар, мактаблар нақадар ачинарли аҳволда эканлигига бир қаранг.

Демак, ижтимоий жиҳатдан турмушни қулайлаштириш ишини айниқса қишлоқда олға силжитиш учун жумҳурият давлат бюджетининг, маҳаллий Советларнинг, корхоналар ва хўжаликларнинг, хайрия ташкилотларининг барча имкониятларини, барча маблағларини сафарбар этиш лозим. Шундай қилмасак, турмушимиз яхшиланмайди.

Яна бир нарса, ана шу вазифалар занжиридаги асосий халқа хисобланган муаллим, врач, маданият ходимининг ижтимоий аҳволи ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. Уларга нисбатан амалда қўлланиб келинган қолдиқ принципига ортиқча тоқат қилиб бўлмайди. Бу жумҳуриятнинг ҳозирги эҳтиёжларига ҳам, унинг тараққиёти истиқболига ҳам, ҳатто ўтмишдаги анъаналарга ҳам зиддир. Чунки Ўрта Осиёда қадим замонлардан буён муаллим, домла, табиб, энг ҳурматли одамлар эдилар. Ҳозир эса ҳар қандай сотувчи ёки қассоб улардан яхшироқ яшамоқда. Бундай оғишни, очиқдан-очиқ ижтимоий адолатсизликни тўғрилаш керак.

Съездда «Деҳқонларнинг аҳволи ва КПССнинг аграр сиёсатини амалга ошириш тўғрисида» махсус резолюция қабул қилинди. Уни фақат табриклаш керак. **«Қишлоқ хўжалигимизни** юксалтириш, **деҳқоннинг аҳволини** яхшилаш — бутун қайта қуришнинг ҳал қилувчи муаммосидир».

Аммо бу ҳужжатда ҳам, бошқаларида ҳам Ўрта Осиё республикаларининг ўзига хос хусусиятлари ва манфаатлари ҳисобга олинмаган. Бу ҳужжатда гап асосан ғаллакорлар ҳақида боради.

Тўғри, улар мамлакатни тўйдиришади. Лекин мамлакатни кийинтираётган пахтакор меҳнатининг аҳамияти ундан кам эмаску, мамлакат 8 миллион тонна пахта, 3 миллион тонна тола етиштиради. Бу жуда катта бойлик. Пахтакорларнинг муаммолари қишлоқ хўжалиги бошқа тармоқлари меҳнатчиларининг муаммоларидан кам эмас. Лекин уларга резолюцияда ҳам, умуман съездда ҳам тегишлича эътибор берилмади. Иш шу даражага бориб етдики, мамлакат ҳукуматида бевосита пахтачилик муаммолари билан ҳеч ким шуғулланмаяпти.

Хусусан гап **қўшимча сув манбалари** тўғрисида бормоқда. Қўшимча сув бўлмаса Ўрта Осиё тараққиётининг истиқболи йўқ. Ахир биз 10 миллион гектаргача ерни одамларга, бутун мамлакатга хизмат қилдиришимиз мумкин. Гап Орол муаммоси ҳақида, Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини Оролга оқизиш тўғрисида бормоқда. Бу масалалар юзасидан Қозоғистон ва Ўрта Осиё беш жумҳурияти номидан съездга қўшма мурожаатнома ёздик. Бу масалалар сиёсий маърузага доир резолюцияда қисман акс этган бўлса ҳам, биз бундан тўла қаноатланмадик.

Демак, бу масалалар устида янада қатъият билан иш олиб бориш, уларнинг ҳал этилишига эришиш керак. Биз учун бу сиёсат масаласидир, турмушимиз, фаровонлигимиз масаласидир, ҳозир шу ҳудудда яшаётган 50 миллион кишининг келажаги тўғрисидаги масаладир.

**Демократик ва марксистик платформалар**нинг мазмуни теварагида ҳозир кўпгина саволлар туғилмоқда. Бизнингча съездда ана шу оқимларнинг шиорлари ва раҳбарларининг даъватлари орқасида нималар турганлигини, нималар биз учун мақбулу, нималарни қатъиян рад этиш лозимлигини тағин ҳам аниқроқ ва пухтароқ равшанлаштириб кўрсатиб бериш лозим эди. Шуни айтиш керакки, марксистик платформанинг, демократик ҳаракатнинг социалистик йўлини танлаш, Октябрь инқилоби ва унинг идеалларини ҳимоя қилишнинг муқаррарлиги, ҳозир вужудга келаётган партиялар ва сиёсий ҳаракатларни таҳлил этишга ижтимоий-синфий ёндашув каби позициялари ҳар томонлама эътибор ва қўллаб-қувватлашга лойиқдир, съезднинг дастурий Баёнотини тайёрлаш чоғида ана шулар асосан ҳисобга олинди.

Шу билан бирга марксистик платформа бизнинг назаримизда схематизмдан холи эмас, ҳаётдан, меҳнаткашларнинг аниқ-равшан эҳтиёжларидан ажралиб қолган, амалда ижтимоий-иқтисодий режалар йўқ, яъни ҳозирги вақтда жамият бошидан кечираётган тангликдан қандай қилиб ва қайси йўл билан чиқиш кераклигига жавоб берилмаган.

Демократик платформа вакилларининг — КПСС сафларидан чиқмай партия ички турмушини демократиялаш учун, партиянинг очиқ бўлишини ҳимоя қилиш учун ҳамма ишни қилишни мақсад қилиб қўйган ислоҳотчи коммунистларнинг режаларида ҳам аслида ана шундай афзалликлар ва камчиликлар бор. Съезддан кейин партиямиз ичидаги ана шу икки йўналиш бирлашиб, «Правда» газетасининг 1 август сонида аслида ягона позициядан туриб фикр билдирганлиги бежиз эмас.

Бироқ демократик платформанинг ўзларини КПСС сафидан чиққан деб эълон қилган Шостаковский ва Лисенко каби раҳбарлари биз учун мутлақо мақбул бўлмаган ажрамачилик позицияларида туриб ҳаракат қилмоқдалар. Уларнинг тутган позициялари амалда корхоналарда, ташкилотларда, омма орасида аниқ-равшан сиёсий иш олиб боришдан онгли равишда ва атайлаб воз кечишга, аҳолининг ҳаётини таъминлашда етилган муаммоларни ҳал қилишда партиянинг сафарбар этувчилик ролидан воз кечишга ва партияни фақат сайловолди кампанияси билан, парламентда аввало ўз раҳбарлари вакиллигини таъминлаш билан шуғулланадиган сиёсий клубларнинг мавҳум уюшмасига айлантиришга қаратилган.

Бразаускас раҳбарлигидаги қайта ташкил этилган Литва Коммунистик партиясининг ҳозирги аҳволи бундай программа ва тактика нимага олиб бориши мумкинлигини яққол кўрсатиб турибди. Ҳозир ана шу партиянинг Марказий Комитети ва раҳбарияти қуйи партия ташкилотлари ва тузилмаларидан амалда ажралиб қолди, оммага таъсирини йўқотди.

Эртага бу партиянинг номи социалистик ёки социал-демократик партия деб ўзгартирилади, унинг программавий вазифалари ҳам ўзгаради ва амалда ўнг кучларга қўшилиб кетади, деб тахмин қилиш учун асослар бор.

## III.

Мамлакат коммунистларининг олий анжумани бизга берган сабоқлар ана шулардан иборат. Кўпгина долзарб муаммолар съезд таҳлилидан четда қолди. Съезднинг асосий ютуқларидан бири шундаки, у гражданлар аҳиллиги ва сиёсий барқарорликка эришиш йўлида жамиятни жипслаштириш режаларини ишлаб чиқди. Съезд жумҳуриятнинг аниқ-равшан эҳтиёжларига мос келадиган ўз ҳаракат режаларини белгилаш ҳар бир иттифоқдош жумҳуриятнинг асосий қонуний ҳуқуқи эканлигини эълон қилди ва тасдиқлади. Ҳозирги вақтда бутун мамлакат учун ягона йўл-йўриқ йўқ эканлигини эътиборга олиш лозим. Москва, Ленинград учун яхши ҳисобланган режалар Тошкент учун, бошқа регионлар учун мақбул бўлмаслиги мумкин.

Бизга сиёсий ва иқтисодий мустақилликка эришиш учун маънавий жиҳатдан янгиланиш, ижтимоий адолат, Ўзбекистон аҳолиси муносиб турмуш шароитига эришиш учун жумҳурият коммунистларининг куч-ғайратларини сафарбар қилиш имконини берадиган **ўз ҳаракат режаларимиз** зарур. Социологик тадқиқот натижалари кўрсатаётганидек жумҳурият фаолларининг мутлақ кўпчилиги бу фикрга қўшилмоқда.

Кўп партиялилик шароитида қийинчиликлардан қутилиш йўлини кўрсатиб бера оладиган, оммани ишонтириб ва ўз орқасидан эргаштириб бора оладиган, ўзи таклиф этаётган режалар, бугун қилинаётган ишлар

(Давоми учинчи бетда).

